# Халқ иродаси – устун



**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумотларга қараганда, депутатлар ва фуқаролардан тушган энг кўп таклиф ҳам ана шу қонун лойиҳаси ҳақида экан. Биз бунга ҳатто Олий Мажлиснинг қўмиталари, комиссиялари, сиёсий партиялар фракциялари ва блокларнинг йиғилишларида ҳам гувоҳ бўлган эдик. Ва буни мутлақо табиий ҳодиса, деб ҳисоблаймиз. Чунки фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни жамиятнинг барча қатламларининг ҳуқуқий маданиятини оширишни тақозо қилади.

Фуқароларда фаоллик ортиб бориши баробарида воқеаларга онгли муносабат ҳам шаклланади. Биз бу ҳолатни «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасига нисбатан фуқароларимиз ва уларнинг вакиллари — Олий Мажлис депутатларининг муносабатларида ҳам яққол кузатдик.

Прокуратура ҳокимият бошқарувининг қайси тизимига киради? Туман ёки шаҳар прокурори неча ёшда бўлиши керак? Бош прокурор Олий Мажлисга беш йил ичида неча марта ҳисобот бериши зарур... каби кўплаб масалалар баҳс-мунозараларнинг асосий манбаига айланди. Прокуратурага қонун воситасида жуда кўп имтиёзлар берилмаяптими? Бундай катта ваколатлар фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида нақадар зарур, деган мулоҳазалар ҳам пайдо бўлгани сир эмас.

Ана шундай мулоҳазалар натижаси ўлароқ, мазкур қонун лойиҳаси юзасидан муҳокама ва мунозаралар ҳам қизғин тус олди. Шу ўринда сиёсий партияларнинг Олий Мажлисдаги фракциялари ва блоклар ҳам ўз нуқтаи назарида собит туришгани, уни ҳимоя қила олишганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Сессиядаги муҳокамадан кейин «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда маъқулланди.



Демак, муҳокама давом этади. Парламент вакилларининг эътироф этишларича, бундай ҳолат кам кузатилган. Ва бу ҳайратланарли ҳодиса ҳам эмас.

— Бу мутлақо табиий ҳолат, — дейди 115-Оқдарё сайлов округидан Жамол Исроилов. — «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳаси хусусида мен аъзо бўлган Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блокининг сессияолди йиғилишида ҳам кўпдан-кўп таклифлар, қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши зарурлиги айтилган эди. Лойиҳанинг учинчи ўқишда қабул қилиниши унинг янада такомиллашишига имконият яратади.

Биз сессиянинг биринчи иш куни якунида «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаган Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Абдил Тўхташевга: «Сиз ушбу қонун лойиҳасининг муҳокамаси яна давом эттирилишини қандай изоҳлайсиз?» деган савол билан мурожаат қилдик. У киши саволимизга лўнда қилиб: «Бу депутатларнинг, қолаверса, қўмитанинг таклифи. Чунки лойиҳанинг ҳали ишланадиган жойлари бор», деб жавоб берди.

Қўмита раиси ўринбосари, назаримизда, ҳақ гапни айтди. Чунки бу қўмитанинг ҳам, депутатларнинг ҳам эмас, балки халқнинг иродасидир. Халқнинг иродаси эса, ҳамма нарсадан устун.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**Исмат ХУДОЁРОВ.**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

***Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки бугунги кунда мамлакатимиздаги энг рақобатбардош, илдам ривожланаётган, универсал банкка айланди.***

# «Асака» банки: эришилган марра чегара эмас

Ҳозир банкнинг автомобиль саноати мажмуига йўналтираётган кредитлар миқдори жами маблағларнинг 56 фоизини ташкил этяпти. Ушбу молия муассасаси халқ хўжалигининг барча тармоқларида самарали хизмат кўрсатмоқда. Бу ҳақда акциядорларнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида таъкидланди. Мисол учун, йирик қўшма корхоналарни молиялаштириш масаласини олиб кўрайлик. «Корффармсаноат» Ўзбекистон — Ҳиндистон, «Конмит» Ўзбекистон — Буюк Британия, «Висо» Ўзбекистон — Австрия каби ўнлаб қўшма корхоналарнинг ҳар бирига 3-4,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди. Бу корхоналар бугунги кунда нафақат ички бозор, балки ташқи бозор учун ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Шу билан бирга, «Асака» банкининг омонатчилар сафи йилига 4,5-5 мингтага кўпаймоқда. Уларнинг банкка қўйган омонатлари миқдори эса 2 миллиард сўмга яқинлашиб қолди. 13 та филиал билан фаолият бошлаган банк тизимида бугун 26 та бўлим мавжуд. 2000 йилда йирик лойиҳалар билан бирга кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 8 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Банк мижозларга, айниқса, валюта ҳисоб рақамлари очадиган мижозларга бошқа банкларда кўзда тутилмаган миқдорда — 8 фоизли имтиёзли устама даромад белгилаган. Ҳозир банк жаҳоннинг 24 та мамлакати банклари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бу эса «Асака» банки нуфузини мамлакатимиздагина эмас, балки халқаро миқёсда ҳам тобора юксалтирмоқда.

**Илёс ҚУВОНДИҚОВ,**
**журналист.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

# САОДАТ ДАВРИ

***Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу қутлуғ сана истиқлол йилларида қайта тикланган бунёдкорлик анъаналаримизни янада кучайтириб юборгани, айниқса, диққатга сазовордир.***

Маълумки, бизнинг тараққиёт йўлимизда миллий қадриятларимизни тиклаш ғоятда муҳим ўрин тутади. Мени тарихчи сифатида ҳайратга соладиган ҳақиқат шуки, Юртбошимиз бу борадаги фаолиятини мустақилликдан анча олдин, Қашқадарё вилоятида ишлаб юрган пайтлардаёқ бошлаб юборганди. Бунга мен ҳам гувоҳман.

1989 йилнинг боши эди. Қаршидаги тарих музейига вилоятдаги бир гуруҳ олимларни йиғдилар. Тўпланганлар билан илиқ сўрашиб, ҳеч қайсимизнинг хаёлимизга келмаган таклифни ўртага ташладилар. «Сизлардан бир илтимосим бор. Қашқадарё — қадимий замин, унинг ҳақиқий тарихини ўрганиб, алоҳида китоб қилиб ёзиб берсаларингиз», — дедилар. Кейин, музей деворидаги суратларга қарадилар-да, хотиржамгина дедилар: «Буларга парво қилманглар. Гап шу!»

Мен ўшанда музей деворларига қараб, собиқ коммунистик партия доҳийларининг суратларини кўрдим. Кўрдим-у, Ислом Каримов жасоратига қойил қолдим. Чунки у пайтда бу жуда қалтис иш эди.

Ўша йили ўқувчиларим билан Косон туманидаги Еркўрғонда қазув ишларини олиб бордим. Бу ердан чиққан топилдиқлар Еркўрғонда милоддан аввалги VI—V асрларда шаҳар бўлганини кўрсатди. Биласизки, шаҳар ўз-ўзидан вужудга келиб қолмайди. Бунинг учун аввал жамоа, кейин қишлоқ ҳосил бўлиши, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланиши, бошқарув йўлга қўйилиши, бир сўз билан айтганда, ўзига хос цивилизация шаклланиши лозим. Демак, Еркўрғоннинг ўзида икки ярим минг йиллик маданий тарих бор экан!

Биз ўшанда фақат тарихни ўрганиш билан кифояланмай, вилоятдаги қадимий ёдгорликларни ҳам топиб, уларни асраш ҳақида ўйлай бошладик. Шу тариқа Шаҳрисабздаги Оқсарой, Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Гумбази сайидон каби машҳур обидалар билан бир қаторда олис туманлардаги ёдгорлик ва зиёратгоҳларга ҳам эътибор қаратилди.

Ўшанда вилоят бўйича шундай обида ва зиёратгоҳларнинг етмиш саккизтаси рўйхатга олинган эди. Албатта, уларнинг аксарияти қаровсиз, вайрона бўлиб ётарди. Чунки шўро даврида бундай обидалар иложи борича йўқ қилинди. Уларнинг қанчаси текисланиб, ўрнига экин экиб юборилганини кексалар ҳанузгача эслаб юришади.

Юртбошимиз ана шундай адолатсизликка қарши мардона бош кўтарди. Олим ва зиёлиларни ҳам ҳақиқатни тиклашга даъват этди. Қашқадарёда бошланган бу жараён у киши республикага раҳбар бўлиб келгач, бутун мамлакат миқёсида кенг тус олди.

Китоб туманидаги Ҳазрати Башир қишлоғи ва шу ерлик аллома Ҳазрати Султон Саййид Аҳмадали тўғрисида ҳикоя қилувчи ноёб манбалар «Ҳазрати Башир тарихи» («Мирҳақиқат») ҳамда «Ҳазрати Султон тарихи» қўлёзмалари топилди ва улар 1996 йили, Амир Темур бобомиз таваллуд тўйи арафасида ўн беш минг нусхада нашр қилинди.

Мустақиллик учун кураш йилларидаги ана шу тарихий воқеаларни эслар эканман, ўзимча шундай фикрлайман. Миллий қадриятларимизни, бой маънавиятимизни қайта тиклаш ва шу тариқа халқимизни ўзлигига қайтариш режаси Юртбошимиз тафаккурида мустақилликдан анча илгари пишиб, етилиб келган. Ўзбек моделининг асосий маъно-мазмуни белгиланган иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, кучли ижтимоий ҳимоя, жамият ҳаётини босқичма-босқич ўзгартириб бориш каби тамойилларнинг пойдевори ўша пайтлар қўйилган бўлса, ажаб эмас. Бу ҳаётбахш ва бунёдкор ғоялар бугун халқимизни янги-янги тараққиёт чўққилари сари элтаётганини эса ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

**Аҳмаджон ЧОРИЕВ,**
**тарих фанлари доктори.**

*Муносабат*



***9 май оқшомида телевидение орқали Президентимизнинг Хотира майдонидаги сўзларини дилда бир олам ҳаяжон билан кузатдик. «Ўтганларнинг руҳини шод қилиш, уларни эслаш, қадрлаш бу, албатта, инсоний бурчимиз, — дедилар Юртбошимиз. — Лекин оғирроқ бурчимиз — бугун ҳаёт бўлган, сафимизда юрган инсонларнинг қадрига етиш». Бу сермаъно сўзларни ўз Йўлбошчисидан эшитган халқ қанчалик бахтли!***

# ҚАДР-ҚИММАТ – ОЛИЙ НЕЪМАТ

Менинг ўзим ҳаётим мобайнида инсонни қадрлаш қанчалик бебаҳо фазилат эканлигига юракдан ишониб келаяпман. Бундан икки йил муқаддам давлатимиз раҳбарининг «9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганда, бутун оиламиз ҳаяжондан таъсирланган эдик. Мазкур фармонда нафақат иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлганлар, айни пайтда мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўғлонлари хотирасини абадийлаштириш муҳимлиги кўзда тутилганди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлиги учун жонини тикиб, чегара ҳудудида ёвуз босқинчилар билан курашда мардона ҳалок бўлган умр йўлдошим Саидакбар Нажимов ана шундай ўғлонлар сафида эканлиги менга, уч нафар фарзандимга (улардан энг кенжаси Ёдгора отаси ҳалок бўлгандан кейин туғилган) чексиз ифтихор туйғусини бахш этади. Президентимиз фармони шарофати билан ҳолимиздан хабар олгани божхона тизими раҳбарлари уйимизга келишди. Тез кунда ҳашар йўли билан хонадонимиз таъмирланди. Ҳозир биз яшаётган кўча, болаларимнинг отаси хизмат қилган божхона маскани Саидакбар Нажимов номи билан аталади. У ерда марҳумнинг бюсти ўрнатилган.

Божхона давлат қўмитаси раҳбарлари эса ҳамиша биздан хабар олиб туришибди. Бу билан нафақат марҳумнинг руҳини шод этишяпти, айни пайтда тирикларни ҳам қадрлашяпти. Биз ана шундай ғамхўрликлар, аввало, Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолиги билан кўрсатиляпти, деб тушунамиз. Бутун маҳалламиз аҳлининг ҳам фикри шундай.

Ҳа, инсон қадри эъзозланган юртда файзу барака аримайди, биримиз икки бўлаверади.

**Махсума НАЖИМОВА,**
**Тошкент вилояти**
**Зангиота тумани.**

# «Миришкор»ликларнинг қувончи чексиз

Усмон Юсупов туманидаги «Миришкор» ширкат хўжалиги пиллакорлари мамлакатда биринчи бўлиб давлатга пилла топшириш йиллик режасини бажардилар. Қабул пунктларига 5450 килограмм ўрнига 7 минг килограмм пилла топширилди. Пиллакорларнинг мақсади ялпи ҳосилни 9 тоннага етказишдир.

**Ўз мухбиримиз.**

*«Пилла — 2001»*



*Янгийўл тумани «кумуш тола» ижодкорлари бу йил 95 тонна пилла топшириш мажбуриятини олишган. Шундан 10,5 тоннаси А.Ортиқов номли ширкат хўжалиги пиллакорлари зиммасидадир. Айни пайтда ушбу хўжаликнинг 152 хонадонида ипак қурти парваришланаётир. Хўжаликнинг тажрибали пиллакори Гулноза Мадраимова қарийб қирқ йилдан буён ушбу касбни ардоқлаб келади. Опа бу йил ҳам икки қути ипак қурти парваришламоқда. Ўғиллари Фарҳод, Шерзод, Санжар, келинлари Зуҳро, Барнолар эса унинг суянч тоғларидир.*

**СУРАТДА: Гулноза опа шогирдлари Назокат Топиболдиева ва Дилшода Содиқовалар билан қуртхонада.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Халқаро ҳамкорлик*

# Ичимлик сув зарур, бироқ...

## ундан тежамкорлик билан фойдаланиш янада муҳим

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра, 2005 йилга бориб шаҳарлардан узоқда яшаётган аҳолининг 85 фоизи сифатли ичимлик сув билан узлуксиз таъминланилишига эришилмоғи керак.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ «Ичимлик сув» дастурининг амалга оширилиши туфайли 12,5 минг километр узунликдаги водопровод тармоғи бунёд этилиб, кўпгина қишлоқлар сув тозалаш иншоотлари билан боғланди. Фақат 2000 йилнинг ўзида 9,5 мингдан кўпроқ водопровод нуқталари ишга туширилди. Шу мақсадда ҳар йили давлат захирасидан неча миллиардлаб сўм маблағ сарфланмоқда. Бугунга келиб, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашда янги босқичга ўтилди. Ўзбекистон ва Франция давлатлари ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик доирасида мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлашга қаратилган давлат дастурини бажаришга ҳисса бўлиб қўшилувчи лойиҳа қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилди.

«Ўзкоммуналлойиҳа» институтида Франция Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида бўлиб ўтган халқаро семинарда шўр сувни чучуклаштирувчи янги технологиялар тўғрисида мулоқот олиб борилди. Семинарда қатнашган коммунал хизмат идоралари ва ичимлик сув билан таъминлаш корхоналари ходимлари, шунингдек, вилоятлардаги маҳаллий ҳокимиятларнинг вакиллари аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш давлат дастуридан келиб чиқувчи бошқа вазифаларни ҳам атрофлича муҳокама қилдилар.

Мамлакатимизда меҳнат қилаётган «Сув клуби» уюшмасига аъзо Франция фирмалари ана шу долзарб муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бугуннинг ўзидаёқ учта лойиҳа жорий этилганлиги сабабли, жумладан, Самарқанд шаҳрида ичимлик сув таъминотини яхшилашга ҳамда «Жанубий-даштчўл» канали оқовасини тартибга солишга эришилди. Сувнинг ҳажмини марказий компьютер тизими орқали аниқлашга ўтилганлиги боис, 15 фоиз ҳажмда тоза ичимлик суви тежалмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳрида ҳам шўр сувни чучуклантирувчи 5 та қурилма ишга туширилди. Уларнинг ҳар бири бир кеча-кундузда 15 куб метр тоза ичимлик сув ишлаб чиқаради.

«Сув клуби» уюшмасининг бош котиби Бенуа Розинининг айтишича, Оролбўйидаги экологик танглик вазиятида бу минтақадаги аҳолини тоза ичимлик сув билан тўла таъминлашга қаратилган давлат дастурининг бажарилишига ҳисса қўшишни, энг аввало, улар ўзларининг инсоний бурчи, деб биладилар. Ҳар икки давлат президентларининг ўзаро ташрифлари пайтида эришилган битимларга кўра йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик алоқалари қисқа вақт ичида сезиларли натижаларни берди. Жумладан, Франция ҳукумати мамлакатдаги сув таъминоти мутахассисларига ва компанияларига Оролбўйи экологик танглиги шароитида бу йўналишда Ўзбекистон аҳолисига қандай тарзда ёрдам кўрсатиш мумкинлиги масаласида мурожаат қилди. Пировардида бир неча лойиҳалар тавсия этилди. Уларни амалга ошириш учун Франция томонидан 30 йил муддатга режалаштирилган кредит ажратилди. Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб бу йўналишда халқаро ҳамкорликка киришиб, ўз аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилашда қўшни мамлакатларга нисбатан анча олдинда бораяпти.

Шу билан бирга, француз мутахассисларининг бизда ичимлик сувга муносабатнинг ўткир муаммоларига доир кузатишлари ҳам диққатга лойиқдир.

— Ўзбекистонда кўп миқдорда ичимлик сув истеъмол қилинар экан, — деди республикамизда меҳнат қилаётган француз «СФЕК» фирмасининг президенти Алэн Шира. — Масалан, бир кеча-кундузда киши бошига 300 литр ва ҳатто бундан кўп миқдордаги ичимлик сувининг сарфланиши ҳолати бу ўлкадаги кўпгина шаҳарларга хос бўлиб, буни тоза сувга оқилона муносабат, деб бўлмайди. Ичимлик сувдан исрофгарчилик билан фойдаланиш электр энергияси исрофгарчилигига ҳам олиб келади. Ғарбдаги давлатлар сув таъминоти иншоотлари қурилишига умуман маблағ ажратмайди. Бундай харажатлар бевосита истеъмолчилар зиммасига юклатилади.

**Францияда, масалан, ичимлик сувининг бир литри 2 АҚШ доллари қийматида баҳоланади ва аҳоли уни тўлайди. Ўзбекистонда эса вазият бу борада тамомила бошқача экан. Бу ерда ичимлик сув аҳолига деярли бепул тарқатилаяпти.**

Ичимлик сувидай ноёб неъматга ғоятда исрофгарчилик билан қаралиши ҳам таассуфлидир. Масалан, мен «Пиво» шишаси соатлаб кран сувида яхлатилишини кўриб, жуда ҳайратландим. Бизда бу жиноят ҳисобланади.

Бугун республикангизда сув исрофгарчилигининг олдини олиш учун кўпгина чора-тадбирлар кўрилаяпти. Бизнинг фирмамиз томонидан Мўйноқ шаҳрида ўрнатилган қурилмалар сувни турли кимёвий бирикмалар ва чиқитлардан тўла поклайди ва экологик беғубор ҳолатга келтиради. Узоқ масофадан, қийин шароитларда водопровод қувурларини ўтказиб келишдек мислсиз харажатлардан тийилиб, бизнинг қурилмалар воситасида аҳолини ҳар бир жойнинг ўзида тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммонинг энг оқилона ечимидир. Биз республикангизда бундай қурилмалардан 620 тасини ўрнатмоқчимиз. Сувни тузсизлантиришнинг илғор замонавий мембранали технологияси ва сувни тубдан микробиологик қайта ишлаш йўлга қўйилганлиги сабабли, ҳозир мўйноқликлар ҳар куни 80 куб метргача тоза ичимлик сув олаяптилар. Сувнинг нархи атиги 50 тийин, бир канистри 10 сўм баҳоланмоқда. Бу — дунё қиймат андозаларига нисбатан қиёслаб бўлмайдиган даражада арзон-гаров нарх. Бироқ мавжуд қурилмаларни доимо ишчан техник ҳолатда сақлаш керак. Йиғилаётган пул шу мақсадга сарфланади.

Республикада амалга оширилаётган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш давлат дастури 2005 йилга бориб сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади. Ўзбекистоннинг бу йўналишда Франция билан ҳамкорлиги аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдек улуғ мақсадга хизмат қилади.

**М.САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Изҳор*

## Яхшилик унутилмайди

Бундан анча йил илгари кўзим операция бўлди. Тошкент медицина институти кўз касаллиги кафедрасида олдин ўнг, маълум муддат ўтгач, чап кўзимни даволашди. Муолажа муваффақиятли ўтди. Сабаби — ажойиб, камтар инсон, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Абдусамат Аҳроров ва камтар шифокор Феруза Ўрмоноваларнинг ўз касбларига садоқат ва фидойилик билан ёндашганликларидир. Нима учун бу икки шифокорни тилга олмоқдаман? Кўз деса, кўз ўнгимга улар келади.

Орадан 13 йил ўтган бўлса, бирон марта шикоят сўзини ишлатмадим. Бу нимани кўрсатади? Операцияга пухта тайёргарлик кўрилганлиги ҳамда шифокорнинг ўз соҳасини яхши билганлигидан далолатдир.

Халқимизнинг «Шифокор ширин сўзи билан даволайди» деган мазмунли гапи бор. Беморнинг кўнглини кўтариш уни даволаш билан баробар. Мен шунга гувоҳ бўлдим.

Ҳар иккала шифокор ҳозирда дардларга малҳам бўлиш билан бирга, талабаларга кўз касалликларини даволаш усулларидан дарс беришмоқда.

**Акбар НАБИЕВ.**



*Ўн йил аввал ва бугун*

## «Ўзбекистон боғчаси бу...»

***Бу — хорижлик мутахассисларнинг Қарши шаҳридаги Нодирабегим номли боғча-гимназия мажмуаси ҳақидаги гапи. Дарвоқе, чет эллик мактабгача тарбия муассасалари мутахассисларини ҳайратга солган нарса нима? Бу саволга мухтасар қилиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «боғча-мактаб» соҳасида нималар кўзда тутилган бўлса, уларнинг бари шу боғча-гимназияда тўлиқ амалга оширилган, деб жавоб бериш мумкин. Боғча-гимназияда бўлсангиз, бас, изоҳга, тушунтиришга ҳожат қолмайди. Ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўриб, қалбингиз билан ҳис қиласиз. Ва беихтиёр ўн йил аввалги ҳаётни ва бугунги ўзгаришларни чоғиштира бошлайсиз.***

Танзила Саодатова ушбу боғчада услубиётчи бўлиб ишлайди. У йўл-йўлакай тушунтиради:

— Мана бу компьютер хонаси. Униси «Ижодкорлар»ники. Нарёғидаги «Табиат бурчаги». «Саломатлик хонаси»га кирайлик. Ажойиб нарсаларни кўрасиз.

— Манави, — дейди ҳамшира Альбина Садриева, — иридодиагностика аппарати. Шу орқали кўзнинг рангдор пардасига қараб, болалар организмидаги ўзгаришлар аниқланади. Умуман, биздаги асбоб-ускуналарнинг барчаси ноёб. «Стоматология» хонамиз, дўхтиримиз бор.

Спорт залида нима йўқ, дейсиз? Ҳатто ясси товон болалар учун алоҳида жой қилинган. Улар билан Раъно Қурбонова машғулот олиб боради. Бассейнда эса йўриқчи Баҳром Саидов болаларни чўмилишга, сузишга ўргатади.

— 12 та боғча гуруҳимиз, 2 та гимназия синфимиз бор, — изоҳ беради Танзила Саодатова. — Болаларга 4 маҳал иссиқ овқат берилади. Экология, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, инглиз тили, информатика, каратэ, сузиш бўйича тўгаракларимиз бор. Каратэдан тортиб инглиз тилигача ўргатилади, тикиш-бичиш, зардўзлик, расм чизишни-ку, қўяверинг.

1 — 2-синф болалари тушгача ўқишади. Тушликни шу ерда қилишади. Кейин улар ҳам ана шу тўгаракларда ўзлари севган машғулотлар билан банд бўлишади. Болаларимиз боғча ёшидаёқ она тили каби рус, инглиз тилларида бийрон гапириша олади. Шу билан бирга, дастлабки меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишади. Иқтисодий билимга эга бўлишади. Экологик тарбия олишади. Миллий урф-одатларимизни ўзлаштиришади. Соғлом ва бақувват бўлиб ўсишади. Бу Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ишлаш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш натижасидир.

— Гимназиямизда 1-синфдан то 7-синфгача машғулотлар ўтилади, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Султоной Саломова. — Куни узайтирилган гуруҳлар ҳам бор. Саралаб танланган ўқитувчилар дарс беришади бу ерда. Ўқувчилар учун тушлик бепул.

Бу ерда ҳам болалар машғулотлардан сўнг тўгаракларга қатнашаркан. «Моҳир қўллар» тўгарагида бичиш-тикишни ўрганадилар. Менга, айниқса, «Президент асарлари билимдонлари» тўгараги қатнашчиларининг сиёсат ҳақидаги бийрон-бийрон гапиришлари ёқди. Мантиқ ва далил бор эди-да уларнинг ҳар бир сўзида.

— Боғчамизга болаларни 2 ёшдан қабул қиламиз, — ҳикоя қилади боғча-гимназия комплекси директори София Абдуназарова. — Узлуксиз таълим деганлари шу-да. Боғча-гимназия, коллеж (лицей) — узлуксиз таълимнинг илк босқичлари. Шунинг учун ҳам болаларимиз рус ва инглиз тилларида боғча ёшиданоқ бемалол гаплаша олишади. Гимназияда эса бу янада такомиллашади. Ҳозир «Интернэшнл-Хауэ-Тошкент» лицейи билан унинг филиалини очиш юзасидан шартнома лойиҳасини тайёрлаяпмиз. Агар бу иш амалга ошса, 9-синфдан кейин машғулотлар (аниқ фанлар ҳам) фақат инглиз тилида олиб борилади.

— Яна бир нарса, — изоҳ беради София Абдуназарова, — боғча-гимназиямиз «Соғлом авлод учун» фондининг вилоят бўлимининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам митти тумандаги аҳолининг ҳам саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини бепул амалга оширамиз.

Албатта, бу эртак эмас. Бор гап. Лекин ўйламангки, Қарши шаҳрида, Қашқадарё вилоятида ҳамма боғча шунақа экан деб. «Боғча-мактаб» комплекси вилоятда бор-йўғи 19 та. Уларда атиги 2011 бола тарбияланади. Умуман, Қашқадарё вилоятида боғчага қатнайдиган болалар 12,1 фоизни ташкил қилади, холос. Нима учун шундай бўляпти? Ахир, «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» таянч дастури Қашқадарёда ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилган бўлса, вилоятдаги 492 та боғчада ҳам иш Нодирабегим номли боғча-гимназия мажмуасидаги сингари йўлга қўйилса, унинг фойдаси қандай бўлиши тажрибада тасдиқланиб турибди-ку. Ажнабийлар биргина Нодирабегим номли боғча-гимназиясида эмас, бошқа боғчаларда бўлганда ҳам, «Ўзбекистон боғчаси бу» деб ҳайратга тушишса, қандай соз бўларди!

Бу эса тоғни йиқитишдек мушкул иш эмас. Фақат бошқалардан ҳам Нодирабегим номли боғча-гимназиядаги каби фидойилик талаб қилинади. Фидойилик бўлса, имкон топилади. Ҳафсаласизлик бўлса — баҳона. Ё нотўғрими?

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**









*таклиф*

## Бирлашсак, ўзамиз

Кейинги йилларда мамлакатимизда фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Бу қувонарли ҳол, албатта. Даромадга эга бўлган деҳқон эркин меҳнатнинг роҳатини кўраяпти. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Фермер ҳосил тақдири, даромад миқдори тўғридан-тўғри ўзига, меҳнатига боғлиқ эканлигини англаб етди. У қай пайтда шудгор қилиш, вақтида уруғ қадаш, оби-тобида ниҳолни парваришлаш ҳавосини олди. Эҳтимол, шу туфайли ширкат аъзолари 8-10 соат ишлаганда, у 15 соат, ҳатто ундан ҳам кўпроқ меҳнат қилишга тайёр туради. Эндиликда ҳақиқий фермерни, фидокор фермерни, янада лўндароқ қилиб айтганда, ташаббускор фермерни мўл ҳосил етиштиришдан бошқа нияти йўқ.

Юртбошимиз бир мажлисда Сирдарё вилояти далаларининг қарийб 60 фоизи ўрта ва кучли шўрланганини қайд этганди. Хўш, бундай шароитда кассасида пули йўқ хўжалик нима қилмоғи керак? Қанча ишлов берилгани, ўғит сепилгани билан бундай майдонлардан кўзланган ҳосилни етиштириш мушкул. Мен мана шуларни ўйлаб, фермерлар диққатига бир масалани ҳавола этмоқчиман. Ҳар бир хўжаликда бугунги кунда камида 8-10 нафар фермер меҳнат қилаяпти. Улар олаётган даромадларнинг маълум бир қисмини зовурлар кўзини очишга, ёпиқ коллекторларни тозалашга ажратиб берсалар, ажойиб иш бўларди. Сирдарё ва Жиззах каби чўл вилоятларида деҳқончиликнинг тақдири ирригация ишларига тўғридан-тўғри боғлиқ. Менинг бу таклифимни эшитган баъзи бир ҳамкасбларимда «Ахир, биз ўз маблағимизни ҳалол пешона тери эвазига топганмиз. Нега уни бошқа мақсадларга сарфлашимиз керак?» деган савол пайдо бўлиши тайин. Бироқ, фақат меҳнат билан, ерга маҳаллий ўғит бериш билан ҳамишаям табиий офатдан жон сақлаб бўлмайди. Хўжалик далаларини босаётган шўр, тобора юзага қалқиб келаётган сизот сувлари эрта-индин сизу бизнинг далаларимизга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун ирригация иншоотларига пул сарфлашдан ўзимизни олиб қочмаслигимиз керак. Чунки ҳар бир фермер хўжалик йўлларидан, унинг сувидан, электр тармоқларидан эмин-эркин фойдаланиб келаяпти-ку? Халқимизда: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», деган яхши мақол бор. Агар биз маблағни аямасак, ўз хўжалигимизнинг янада гуллаб-яшнашига, иқтисодий ривожланишига замин яратган бўламиз.

**Абдурасул АБДУЛЛАЕВ,**
**Боёвут туманидаги «Ғалаба» ширкатлар уюшмаси фермери.**

***Тошкентдаги Ҳиндистон Маданият марказида Рабиндранат Тагор таваллудининг 140 йиллигига бағишланган адабий-мусиқий кеча бўлиб ўтди. Адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва талабалар иштирок этган ушбу тадбирда буюк ҳинд адиби, халқаро Нобель мукофотининг совриндори, улуғ мутафаккир ва жамоат арбобининг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида сўз борди.***

## Тагор ижодига бағишланди

Тагорнинг ижодий мероси бугунги кунда нафақат Ҳиндистоннинг, балки бутун башариятнинг маънавий мулкига айланиб қолган. Унинг роман, пьеса ва шеърий асарларида мустамлакачилик зулмига қарши даъваткор руҳ, миллий озодлик учун кураш, мустақиллик ғоялари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Кечада таъкидланганидек, Р.Тагорнинг "Бахшида қўшиқлар" шеърий китоби у тириклик чоғидаёқ халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлган эди. У ўз ижоди билан ҳозирги бенгал адабий тилига асос солди, танқидий реализмнинг шаклланиши, шеъриятни янгича шакл ва мазмун билан бойитишга хизмат қилди. Шунингдек, Тагор ҳинд мусиқа ва тасвирий санъатини ривожлантиришга ҳам улкан ҳисса қўшди.

Тадбирда Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Бхаскар Кумар Митра қатнашди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**








*Солиқ тизимида*

## Юкхонадаги қўлбола ароқ



***«Ишонч телефони»га хабар тушди. Наманган туманининг Ғирвон қишлоғида яшовчи фуқаро қўлбола ароғини олиб бозорга жўнабди. Машинасининг давлат рақами...***

Тезкор вакиллар эндигина вилоят марказига кириб келган 16 В 8939 рақамли «Москвич-412» автомашинасини тўхтатишганда, кунора чўнтакка тушиб турган пуллардан сармаст Тоҳир Бердиев юкхондаги 100 шиша «Осиё» ароғи тушумини хомчўт қилиб бораётганди.

Берилган хабар, айтилган тахминлар тўғри чиқди. Тоҳир тушмагурнинг уйида анча-мунча нарса, «Оромгоҳ» даҳасидаги янги ҳовлисида эса ароқ тайёрлайдиган цехи бор экан. Қопқоқлаш, фильтрлаш мосламаларидан тортиб шиша, ёрлиқ, акциз маркаларигача тахлаб ташланибди. Худди давлат корхонасидагидек. Фақат истеъмолга яроқсиз. Ашёвий далиллар: 105 литр миқдордаги қадоқлаш учун тайёрлаб қўйилган қўлбола ароқ, 100 дона ёрлиғи ёпиштирилган «Ўзбекистон портвейни» виноси, 4659 дона турли ароқ ва вино ёрлиқлари, 300 га яқин қопқоқчалар, спирт ва бошқа суюқликлар учун ишлатилаётган махсус идишлар ҳамда аввал фойдаланилган акциз маркалари...

— Ака, тозасидан бор, арзонгина бераман, — дея бозорнинг бир четида қўл қовуштириб ароқ ва виносини таклиф этадиганлар бошқа туманларда ҳам бор экан. Попнинг Яккатут қишлоғида яшовчи педагог Усмонжон Шоматов ҳовлисидан топилган 118 дона қўлбола ароқ текширувдан ўтказилганда, истеъмолга бутунлай яроқсиз чиқди. Қонунни, атрофдагиларни менсимаслик энг ёмон иллат, дея талабаларга уқтириб, ўзи бунинг аксини қилган устоз энди қилмишига яраша жазосини тортади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

*умумий ҳажми тўрт минг квадрат метрлик институт бош биноси ва ётоқхонаси томларини таъмирлаш бўйича*

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ҳафта ичида қабул қилинади.*

Мурожаат учун телефонлар: 56-39-62, 56-37-38.

4196


## ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Фарғона шаҳрида вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ байрамининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ўттиз нафарга яқин санъатга ошуфта осойишталик посбони она-Ватанга муҳаббат, мардлик ва фидойиликни тараннум этувчи қўшиқларни ҳакамлар ҳайъати ва мухлислар эътиборига ҳавола этди.

Танловда "Фарғонам" қўшиғини ижро этган вилоят ички ишлар бошқармаси инспектори, милиция лейтенанти Тоҳиржон Шокиров ғолиб, деб топилди. Энди у қўшиқ байрамининг республика босқичида иштирок этади.

**Р.КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**




## «ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР» ТАНЛОВИГА




Ўшанда олти-етти ёшларда эдим. Жуда яхши эслайман: ҳар йили баҳорнинг авжи пайтида шаҳардан тоққа чиқиб борардик. Дадамнинг машинасида. Дадам рулда, опам, яъни онам билан мен орқада ўтирардик. Чиқиб ке-е-тардик. Чорвоқ сув омборларигача борардик... Ҳе, йўлда лолалар очила бошлаган денг. Менга, айниқса, бойчечакка ўхшаб кетадиган, бироқ ундан йирикроқ пуштиранг Чотқол лоласи ёқарди. Бирам нозик, бирам хушбўй, бирам нафис бўлади у. Тоғда ўсадиган дарахтлар ҳам гуллай бошлаган, дўланалар эса энди ғунчалаган бўларди. Аммо қишнинг асорати ҳали кетмаган, шунинг учун тоққа кўтарилганимиз сари совуқ кучаярди. Биз ёнбағирларда тўхтаб, кўрпачамизни ёзиб, уйдан олиб чиққан овқатимизни еб, тағин ялпиз, момақаймоқ ва лолалардан териб қайтиб тушардик. Дадам ёққан гулхан атрофида исиниб ўтириш ҳам олам-олам завқ берарди.

Бироқ ҳамма завқлардан завқлиси — менинг учун этакда, йўл ёқасида қолиб кетган каттакон арчани томоша қилиш эди. Тоғнинг қаерига чиқмайлик, арча кўриниб турарди: гоҳ кичрайиб, гоҳ каттариб. Бу арча — жуда хосиятли арча эди. Ўзиям йўғон, баланд, танасига дадамнинг қулочи етмасди. Энг қизиқ томони шунда эдики, айниқса, пастки шохларида латта-путталар, ҳар хил рангдаги рўмолчалар илинмаган жой йўқ эди. Ажойиб бўлиб, ўйинчоқлар билан безатилган Янги йил арчасидек бўлиб турарди.

Тағин унинг менга жуда севимли бўлиб қолганининг сабаби шундаки, унинг ёнидаги йўлдан ўтаётганимизда, дадам «Жигули»ни тўхтатар, ойим қўлимга битта рўмолча бериб: «Бор, илиб кел. Орзуларинг ушалади», дер эдилар. Мен машинадан чиқибоқ югуриб кетардим. Кейин рўмолчани бирон бутоққа боғлаб: “Арчажон, орзуларим ушалсин», дер эдим. Менда нима орзу бор эди? Дадам айтган-тайинлаган, миямга қуйиб юборган орзулар эди-да. Яъни: «Яхши одам бўлгин. Мана шу — сенинг Ватанинг, унга содиқ ўғлон бўлгин, болам. Халқинг сендан хурсанд бўлсин, болам...» ва ҳоказолар эди. Мен рўмолчани бутоққа илаётганимда ёки боғлаётганимда ана шу орзулар кўнглимдан ўтарди, албатта.

Шунинг учун бу арча дарахти менга бошқача кўринарди. Қадрдон эди. Назаримда, у бошқа ўткинчилар ҳамда саёҳатга чиққанлар учун ҳам шундай хосиятли ва севимли орзу дарахти эди. Йўғасам улар ҳам қийқим-сийқимларни илишмасди. Ҳе, яхши-да, табиатнинг шундай бир гўзал дарахтига меҳр қўйиш, унга ихлос билан қараш, ҳатто унга қандайдир ишониш ҳам яхши-да!

Бошқаларни билмайман-у, мен бундан қувониб юрардим. Ўша Чотқол тоғи этакларида менинг орзуларим ушалишига қандайдир ҳиссами, улушми қўшадиган мўъжизали дарахтим бор эди!

Хўш, бизнинг тоққа қиладиган сафаримиз ҳар йили деярли бир вақтга тўғри келарди. Яъни, Наврўз байрамига... Сафаримизга икки-уч ҳафталар қолгандаёқ, оиламизда Наврўз ҳақида гап-сўзлар бошланарди, яъни уни нишонлаш ҳақида гапиришар, бироқ қизиғи шундаки, бегоналар борида гапиришмас, ҳатто «Наврўз» сўзини тилга олишмас эди. Мен бу ҳолга кўниккан эдим. Бунинг сабабини билмасдим, албатта. Бироқ бунга кўникканим учун ўзим ҳам шивирлаб гапирардим: «Опа, қачон Наврўз келади? Қачон тоққа чиқамиз? Арчамни соғиндим...» ва ҳоказолар. Тўғри, назаримда, Наврўз ҳақида нима учун бошқалар борида гапирмай қолишлари ҳақида сўраганман. Аммо улар гапни бошқа ёққа буриб юборишарди.

Энди мен тепада қолиб кетган гаплардан ҳам айтайин-да. Дадам машинани арча яқинида тўхтатганларида, албатта, у мўъжизали дарахтдан нари томондаги ям-яшил майдонда бир-икки чодирлар тикилган бўлар, хотин-халаж, болалар ҳам бўлишарди. Ва каттакон қозонда сумалак пиширишарди.

Агар биз ўша вақтда етиб борган бўлсак, мен-ку рўмолчани олиб арчага қараб чопардим, ота-онам ҳам машинадан тушиб, анави «кўчманчи» сайёҳлар билан саломлашар, «Наврўзингиз муборак!» деб бир-бирларини қутлашар, сумалак пишган бўлса, унга бизнинг ҳам оғзимиз тегарди.

Ана шу сумалакнинг таъми оғзимда қолгани учунми, опамга кўп айтардим: «Сумалакни уйда пиширсаям бўладими, опа? Пишира қолинг. Нега энди нуқул тоғда?..»

Опам бу саволимга ҳам жавоб бермас эди. Жуда қисталанг қилиб сўрайверсам, «Тоғда, очиқ ҳавода сумалак ейиш яхши-да», деб қўярдилар.

Ана шунинг учун баъзан шундай ўйлардим: «Ўша чодирдаги одамлар ҳам очиқ ҳавода сумалак ейишни яхши кўришаркан-да...» Аммо мен бола пақир уларнинг атайин тоғда бу баҳор таомини пиширишлари сабабини билмасдим, албатта. Кейин билсам, улар яширинча сумалак қилишаркан. Уйимиздаги «Наврўз» ҳақидаги гап-сўзларнинг бегоналар олдида тўхтаб қолишига ҳам сабаб шу экан...

Ана энди мен қандай қилиб бу «сир»ни билганим ҳақида айтиб бераман.

Тоққа чиқишларимизнинг навбатдагисида, яъни ўша куни ҳаво анча салқин эди. Шунинг учун биз шаҳардан чиқишимиз билан опам бўйимга ўлчаб тикилган чопонимни кийгизиб, қалампирнусха дўппимни ҳам бошимга қўндириб: «Ана энди ҳақиқий ўзбек бўлдинг», дедилар. Кулишиб йўлда давом этдик. Ҳар галгидек сумалакнинг хумори тутиб, уни ялаб кўргим келади...

Мана, ниҳоят, улуғвор ва чиройли, байрамона безатилган мўъжизали-хосиятли дарахтимиз ҳам кўриниб қолди. Ундан сал нарида тутун чиқяпти. Демак, қозонда сумалак пишаяпти... Ҳақиқатан ҳам, шундай экан. Мен дарров қўлимни чўздим. Опам ҳам дарров қўлимга чиройли бир рўмолчани тутқаздилар. Уни олиб, арча томонга чопиб кетдим. Қозон атрофидагиларга салом бериб, рўмолчани бир бўш бутоққа боғладим. Бу борада отам билан онам чодир яқинидагилар билан сўрашишар ва тоғдан қайтишда тўхтаб ўтишларини айтишар эди. Мен арчага яна бир бор тикилдим: ҳе, бунда сир кўп. Бу зўр арча! Аммо-лекин юқориги шохларига ҳам латталар илинган-боғланган эканки, энди ҳар қанақа ўйинчоқлар билан безатилган арча ҳам бунинг олдида кўримсиз бўлиб қоларди.

Бир маҳал орқа томонимдан қандайдир зўр бир мошинанинг бўкириб сигнал бергани эшитилиб қолди. Шартта бурилиб қарасам, машинамизнинг ёнида битта қоп-қора «Зим» турибди. Унинг кабинасидан қоп-қора плашч кийган бир хотин тушаётган экан. Эшикни чиройли костюм кийган бир полвонсифат йигит очиб турибди денг. Нарироқда яна битта ўшандоқ йигит ҳўмрайиб атрофларга қараётибди. «Булар ким бўлди? — деб ўйладим. — Ҳечам кўрмаган эдим...»

Аммо шу маҳал ҳалиги хотин онамга алланималар деб бақира кетди. Ҳа. Кейин отамга ҳам дўқ-пўписа қила бошлади, шекилли... Вой, бечора онам, отам! Улар жимгина бош эгиб туришар, қора плашч кийган хотиннинг бақиришларини жимгина эшитишар эди. Бу ҳолни кўриб, мен ҳам нафасимни ичимга ютиб қолдим. «Нимага бақирасиз менинг ота-онамга?» дегим келар, бундай дейиш тугул, умуман, уларга бир сўз айтиш ҳам мумкинмаслигини фаҳмлаган эдим.

Хуллас, мен аста-аста четланиб, арча панасига ўтдим. Нимага бундай қиляпман? Билмас эдим. Назаримда, мени ҳам уришиб-сўкиб берадигандек эди.

Шунда денг, ҳалиги плашч кийган хотин йўлнинг бу ёғига ўтиб, сумалак пишираётганларнинг ёнига кела бошлади. Анави иккита полвон ҳам унга эргашиб келарди. Хотин қозоннинг тепасига етди-да, бу ерда ҳам жимгина, қўрқибгина туришган хотин-халажга қараб бақира кетди. Ана шунда унинг сўзларини сал-пал тушундим.

— Нимага сумалак пиширяпсизлар? Нима, ўтмишни соғиниб қолдингларми? А, жавоб беринглар... Бу ахир диний одат-ку?! Билмайсанларми? Биласанлар... Шунинг учун атайин тоққа чиқиб келиб, бу «бўтқа»ни пиширяпсизлар. Анави болаларни қаранглар... Уларнинг ҳам онгини заҳарлаяпсанлар!

Хотин-халажнинг аҳволи забун эди. Ҳа, забун эди. Одамнинг раҳми келарди-да бечораларга... Шундай яхши, мазали таом пиширишса-ю, мана бу «Зим»лилардан балога қолишса. Тағин уларнинг бош эгиб туришини қаранг!

Эй, бу хотин ким бўлди ўзи? Нимага мунча кариллайди?! Нимага мунча... қўрқишади бизникилар ҳам?

— Қани, ўтга сув сепинглар! — деб қолди ҳалиги аёл. — Сепинглар! Тепкилаб ўчиринглар! Қани, бўлларинг тезроқ... — сумалак эгалари ўчоқдаги ўтга тикилишарди, холос. — Қозонни кўтаринглар! — қозонни ҳам олишмади. — Ҳай, санларга айтяпман, нодонлар, онгсизлар! Сиёсатдан бехабар гумроҳлар!

Шунда чодирдан уйқусираб чиққан бир эркак:

— Нима гап? Нима шовқин? Шу ердаям тинчлик йўқ экан-да... — деди-да, меҳмонларга тикилиб қолди. Кейин оғзининг таноби қочиб илжайди. — Хуш кўрдик, меҳмонлар! Наврўзларинг муборак бўлсин!

— Нима?! — деб бақириб юборди қора плашч кийган хотин. — Яна бир такрорла!

— Наврўз ҳайитларинг қутлуғ бўлсин, — деб энди пастроқ тушди эркак.

— Аҳмоқ! - деб юборди хотин. — Нодон... Буларнинг ҳаммасини сен бошлаб келгансан. Қаерда турасан? Адресингни айт... Ёзиб олинглар! — деб ёнидаги йигитларга айтди.

— Э, адресни сўраб нима қиласиз, опай? — деди эркак уйқуси тамоман учиб кетиб. — Жуда унақа қаматгунгиз келса, мана, тайёрмиз. Мана, қўл...

— Алжима! — деди аёл. — Қани, қозонни ағдар! Кўзимнинг олдида тўк сумалакни!

— Э, эсингиз жойидами, опай? Бу табаррук таом-ку? — деди эркак ва аёллар ҳам чувиллашди:

— Табаррук, табаррук...

— «Табаррук» эмиш... Эшитяпсизларми? — фиғони фалакка чиқиб кетди аёлнинг. — Йўқ, булар билан бошқа ерда гаплашамиз ҳали. Қани, — дея ҳамроҳларига русчалаб бир нарса деди. — Живо! Сейчас же!

Шу пайт ҳалиги икки йигит ўчоқ бошига илдамлаб бориб, қозоннинг қулоқларидан ушлашди... Ушлашди-ю, қўллари куйдими, дарҳол тисланишди. Кейин қозонни олмаёқ ағдариб юборишди. Сап-сариқ қиёмдек таом кўмкўк майсалар устига тухумнинг сариғига ўхшаб ёйилиб кетди. Ундан буғ кўтарилар, бир аянчли манзара эди. Қозон ағдарилиши замон «ув-в» дея тик турган жойларига ўтириб-ўтириб қолган аёллар бемалол йиғлашга тушдилар.

Шу вақт мен дарахт панасидан ота-онамнинг ёнига югуриб бордим. Чунки анави хотин шериклари билан машиналари томонга йўл олишган эди. Бояқиш отам билан онам ҳам қўрқибгина туришарди. Улар етиб келишди.

— Ана шундай бўлади! — деди шунда аёл отамга қараб нима учундир. — Сумалак, сумалак...

— Энди, сумалакнинг таркибида витаминлар кўп-да, секретар опа, — деди отам.

— Майнавозчилик қилманг. Сиз анови хотинингизга гапиринг бу гапни! — аёл отамга шундай деб, онамга қаради-ю, менга кўзи тушиб, ишонинг-ишонманг, қотиб қолди. Кейин: — Чопонни еч! — деб менга бақириб юборди.

— Нимага, кун совуқ-ку, опа? — дедим.

— Еч деяпман, сенга! — яна зуғум қилди қора плашчли хотин.

— Э, мен совқотаман-е...

— Еч, еч, — деди шунда онам. Мен ноилож тўнимни ечиб, у кишига бердим.

Шунда ҳам бу жодугардан қутулолмадим. Бошимга егудек бўлиб тикилди-да:

— Дўппини ол! — деди.

Индамайгина дўппимни ҳам бошимдан олдим.

— Яна нима қилай, опа?

— Буларни кийма! — деб уқтирди секретар опа. — Билдингми? Булар эскилик сарқити... Жуда ўзбек бўлгинг келиб қолдими? Ё отанг шунақа насиҳат қилдими? Сизлар — совет кишисизлар. Шунга муносиб бўлинглар. Ўзбек-пўзбек, всё это чипуха... Ҳой, хоним, эшитиб олинг, — деди кейин онамга ҳам. — Болани бузманглар, онгини заҳарламанглар. Ҳадемай пионер бўлади бу.

— Хўп, хўп, опажон, — деди онам.

— Айтганингизни қиламиз, — деди отам.

Кейин секретар опа ҳамроҳларига русчалаб тағин бир нималар деб вайсади-да, улардан биттаси очиб турган эшикдан «Зил»га кириб ўтирди. Эшик ёпилди. Йигитлар ҳам кириб ўрнашишгач, машина жилиб, Чорвоқ денгизи томонга кетди.

Ана шу пайтдаги аҳволни кўрсангиз эди! Биз лолу ҳайрон ва аламда эдик. Анави хотин-халаж ҳамон чўнқайиб ўтиришар, ўша эркак бўлса қўлини очиб, бир нималар дея дуо қиларди. Улар юзларига фотиҳа тортишгач, ота-онам ҳам уларга тақлид қилгандай, юзларига фотиҳа тортишди. Буларни кўриб, мен ҳам «омин» деб қўйдим. Кейин опам:

— Ма, кийиб ол, — деб чопонимни бердилар.

— Анави хотин кийма деди-ку? Тағин сизлар гап эшитиб юрманглар менинг учун...

— Маҳмаданалик қилма, — дўқ қилиб юборди онам. — Бизни ўйлайдиган бўптилар. Ўзингни ўйла. Шамоллаб қоласан!

Тўнни кийиб олдим. Дўппини ҳам каллага бостирдим. Машинага кириб ўтирдик. Отам чодир олдидагилар билан хўшлашаётгандек, қаттиқ сигнал бердилар-да, «Жигули»ни орқага қайтардилар. Мен олдинда ўтиргандим.

Рулга ёпишдим.

— Лола терамиз!

— Терамиз, терамиз... Бу ёқдаям лола бор, — деди отам. Кейин сал юриб, паст-баланд дўнгликлар томонга ҳайдадилар машинани. Дўнгларнинг орқасига ўтсак, фақат... дўланазор! Лекин бу ерда лола эмас, бойчечаклар бор экан. Роса тердик. Ўзимизга олиб келган овқатни иситиб едиг-у, гулхан ёқдик.

Мен албатта байрамимизни бузган, сумалакни тўккан аёлнинг бунчалик экани ҳақида кўп сўрадим. Минғирлаб... Отам билан онам деярли жавоб беришмади.

Кейин уларнинг ўзаро гапларидан бир нималарни англагандек бўлдим.

— Шу ўзининг аҳмоқлик қилаётганини билмайди дейман, а? — деди дадам.

— Балони билади. Ҳа, билмас эмиш, — деди опам. — Шунчаки бир қўғирчоқ-да бу!

— Лекин бу гапинг ҳам рост, — деди дадам. Кейин ўйланиб қўшимча қилдилар: — Қарамлик ёмон-а?

— О, ҳамма бало шунда, — деди ойим.

— Мустақил бўлармиканмиз?

— Худо билади.

Кейин опам менга тикилиб қолди-да:

— Болажон, эндиги келишимизда, — деди, — арчага рўмолча илаётганингда, эшитиб ол, «Илоё мустақил бўлайлик. Ўзимизга ўзимиз бек бўлайлик», де.

— Ҳа, айтмоқчи, худди шундай дегин, ўғлим. Фойдаси бор. Ёшсан, гуноҳинг йўқ. Дуойинг ижобатга ўтади... Эсингдан чиқарма, болам.. Қани, энди уйга кетамиз.

Нима дейсизки, баҳор ўтиб, ёз келди. Кейин куз, қиш... Яна баҳор нафаси кела бошлади. Уйимизда сумалак ҳақида, Наврўз ҳақида гаплар бошланди. Шундай кунларнинг бирида яна тоққа отландик.

Қараб бораётибман. Арча ҳозир кўринади... Арчажоним кўринадилар...

Йўқ, арчам кўринмас эди. Лекин ўша йўлдан бораётибмиз. Рўпарамизда Чотқол тоғлари...

— Дада, бошқа йўлдан кетяпмизми? — деб сўрадим. — Нима, бу йил ҳам опа чиқади дейсизми?

— Чиқса чиқар, — деди дадам. — Лекин ўша йўлдан кетяпмиз. ўғлим.

— Ахир, арча йўқ-ку? Кўринмаяпти... Ҳар ёқдан кўриниб турарди у!

Онам ҳам, отам ҳам олдинга боқишди. Машина гоҳ секинлаб, гоҳ тезлаб юриб, ўша таниш майдон қаршисига етганда тўхтадик. Арчам... йўқ эди. Унинг ўрнида текис қилиб арраланган тўнка бор эди, холос. Додлаб юбордим:

— Энди нима бўлади? Орзуларим нима бўлади, дада? Опа... нима бўлди арчамизга?

Улар мени овутишди. Кейин ётиғи билан тушунтиришди: демак, ўша секретар опа кестириб юборган буни... Кейин ғамгин-ғамгин кулишди.

— Нимага эришар экан шу билан?

— Мен бекорга аҳмоқ демайман уни...

— Ай! — кейин онам қўлимга яна чиройли бир рўмолчани бердилар. — Обор! Чиқ, чиқ... Бор. Хоҳлаган дарахтингга илиб қўй. Арча нима, дўлана нима — бари дарахт. Табиат... Билиб қўй, ҳамма дарахтлар хосиятли. Бу рўмолчани илсанг, яна-да хосиятлироқ бўлади... Шундайми, дадаси?

— Худди шундай, — деди дадам. — Ўша арчагаям биринчи бўлиб кимдир латта боғлаган... Тўғрими, онаси?

— Жуда тўғри-да, — деди онам.

— Орзуларим... ушаладими кейин?

— Вей, биз нима деяпмиз! — деди дадам.

— Албатта, ушалади-да, — дедим опам. — Бор. Чоп! Йўлдан қолмайлик! Лолазорга борамиз. О, Чотқол лолалари...

Мен машинадан чиқиб, чополмадим, йўқ — чополмадим. Қайси дарахтга қараб югуриб бораман? Маст одамга ўхшаб тўнка бошига бордим. Уни сийпаладим. Кўнглим бузилиб, кўзларимга яна ёш келди. «Сени кестирган одам — ёмон одам, — дедим. — Унинг орзулари ҳеч қачон ушалмайди, арчажон...»

Кейин туриб атрофга қарадим. Қайси дарахтга рўмолчани илсам экан? Дарахтлар сийрак ўсган, ёши ҳам, қариси ҳам бор эди. Афтидан, бир замонлар бу ерда одамлар яшаган, кейин кўчиб кетишган эди. Нимагаки, эски чолдеворнинг нурамалари ҳам бор эди. Ана шу чолдевор биқинидан ўсган каттакон тут дарахти кўзимга иссиқ кўринди. Арчажонимга ўхшаб кетар, лекин у яшил эмас, шохларининг ҳам кўпи каллакланган эди. Бутоқларида ҳали биттаям япроқ чиқмаган эдики, шуям менга маъқул бўлди: рўмолчани илиб қўйсам, яққол кўриниб туради... Илдим-боғладим, учини осилтириб қўйдим. Кейин дилимга келган орзуларимни айта бошладим: «Яхши одам бўлайин. Ватан учун, халқ учун яхши хизмат қилайин... Илоё, мустақил бўлайлик. Қарам бўлмайлик... Илоё, орзуларим ушалсин...»

Сўнг хурсанд бўлиб, энди тез-тез юриб машинага кириб ўтирдим.

Дадам елкамга қоқиб қўйди. Онам чаккамдан ўпди. Ҳаммамиз хурсанд эдик.

Ўшандан кейин, ўзингизга маълум, Ватанимиз мустақил бўлди. Қарамликдан қутилдик. Бир қарич болакай ҳам: «Ватаним — жону таним!» деб шеър айтади. Наврўз ҳайити — расмий байрамга айланди. Энди уни бутун халқимиз нишонлаяпти. Сумалак... ҳар хонадоннинг ўзида пиширилади. Маза-да... Ҳамма кўнглидаги гапни айтади. Бировдан қўрқиш, ҳайиқиш йўқ...

Лекин биз зарурат туфайли «Жигули»ни сотган эдик. Шунинг учун тоғ саёҳати ҳам «тўхтаб» қолган эди.

Яқинда дадам янги мошина олдилар. Ҳалиги, номиям нимайди? «Дамас!»

Яна тоққа жўнадик. Энди машинада кўпчилик эдик... Лекин тоққа яқинлашарканмиз, менинг кўзларим тағин олдинга қадалиб борарди. Худди ўша арчамни кўрадигандекман.... Кейин ўзимни босиб, тутни, кекса тутни кўришим кераклигини эсладим. Ҳа, ҳозир кўраман... Қани, ўша рўмолчам турибдимикан?

Яқинлашиб, яқинлашиб бордик. Ва мен... тутни ҳам таний олмай қолдим. Унинг ҳам деярли бўш шохи-бутоғи йўққа ўхшар эди: ҳар турли латта-путталар ва турфа рўмолчалар осилиб ётар эди. Воажаб! Шундай қувониб кетдим, шундайки, яна ўлгур кўзимга ёш инди-да... Шартта машинадан тушиб, йўлдан чиқдим. Тўнкамга салом бериб ўтдим. Қария тутга етдим: «Салом, она тут! Мен келдим... Жуда безаниб олибсан. Ҳа, сен ҳам хосиятлисан. Билдим. Ана, энг яхши орзуларим ҳам ушалди, қария...»

Чўнтагимдан атай олиб чиққан шоҳи рўмолчамни олдим-да, танадан ўсган бутоққа боғлаб қўйдим: «Кўришгунча, хайр, она тут... Кўнглимда янги орзуларим бор. Уларнинг ҳам ушалишига ишонаман. Тингла, қария...»

Ҳе, кўп нарсани тилак қилгандай гапириб ташладим. Юртнинг тинчлиги борми, тезроқ ривожланиши борми, халқимизнинг тўк-тўкис яшаши борми — шулар тўғрисида нимаики истаётган бўлсак, шуни айтдим. Ахир, булар ҳам ушалиши шарт бўлган орзулар-да... Ҳа, бу орзуларимнинг ҳам ушалишига ишонаман...

Хайр, Орзу дарахти!

*Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри жамоаси ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишлаб Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасини саҳналаштирди. Театрнинг истеъдодли артистлари ижро этаётган роллар орқали бундан беш аср аввал шоир яшаган, ижод этган давр руҳини, шароитни сезиш, англаш қийин эмас. Балки шунинг учундир томошабинлар бу саҳна асарини самимий кутиб олдилар.*

**СУРАТДА:** спектаклдан бир кўриниш.

**Искандар ХЎЖАЕВ, (ЎзА) олган сурат.**



## «Тошкент баҳори-2001»

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб миллий чолғу ансамбли ва оркестрларининг «Тошкент баҳори — 2001» халқаро фестивали ўтказилмоқда. Унинг ташаббускори «Суғдиёна» ўзбек давлат миллий чолғу камер оркестридир. Концертларда Франция, Индонезия, Россия, Қирғизистон ҳамда Қозоғистон каби мамлакатларнинг созандалари, оркестрлари иштирок этишади.

Республика Миллий матбуот марказида ушбу фестивал олдидан ўтказилган анжуманда оркестр жамоаларининг мақсад ва режалари белгилаб олинди.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«ТРАКМАШАГРО» ОАЖ

КАМАЗ, МАЗ, ЗИЛ-130, ГАЗ-51, 52, 53, ЯМЗ 236-238, УАЗ-469 ВА БОШҚА ЮК АВТОМОБИЛЛАРИ ҲАМДА А01-М, Т-28, МТЗ-80, СМД 14, 17, 18, 20, 22, ДТ-75, Т-130, Т-150, Т-170, ЮМЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ УЧУН

ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ

пул ўтказиш йўли билан сотади.
Товар сертификатлаштирилган.

*Манзил: Тошкент ш., «Жарқўрғон» к., 43-«А» (мўлжал: «Ёғмойкомбинати»).*

Тел.: (371) 191-93-82, 96-63-21.

«Алоқаинвест» АЖ ЎзАЛИ лойиҳалаш институти жамоаси институт бошлиғи Султонмурот Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси
**Минаввар АБДУЛЛАЕВАнинг**
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Кўчмас мулк биржаси раҳбарияти ва жамоаси Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари, Давлат мулки қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ҳошимжон Ҳайдаровга волидаи муҳтарамаси
**Солияхон ҲАЙДАРОВАнинг**
вафот этганлиги мунсабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Олий хўжалик суди ва Тошкент шаҳар хўжалик судининг жамоалари, Тошкент шаҳар хўжалик судининг бош суд ижрочиси
**Абдувоҳид АБДУВАЛИЕВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 2415. 26127 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Зокир Болтаев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Қ. Эшматов.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 22.50 1 2 3 4 5 6